

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА “ФАРҒОНА ОДАМИ” ТАРИХИ

Носиров Рашод Адилевич¹,

т.ф.д.профессор

Тошкент давлат транспорт университети¹,

Темирова Светлана Владимировна²,

Катта ўқитувчи

Тошкент давлат транспорт университети².

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7257230>

Annotatsiya

Мақолада Ватанимиз ҳудудида яшаган илк аждодларимизнинг манзилгоҳлари: Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги Селунғур, Бухоро вилоятидаги Учтут, Тошкент вилоятидаги Кўкбўлоқ каби мақонлар илк палеолит даврига оид тарихий ёдгорликлар ва Бу борада археолог олимларнинг тадқиқотлари кенг манбалар асосида тахлил қилинган.

Kalit so'zlar: Ферганатроп , Селунгур ғори, Кроманьон, Ўчоқ халқ Неолит даври, ибтидоий тўда, уруғчилик тузуми, матриархат.

Ватанимиз ҳудудида яшаган илк аждодларимизнинг манзилгоҳлари: Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги Селунғур, Бухоро вилоятидаги Учтут, Тошкент вилоятидаги Кўкбўлоқ каби мақонлар илк палеолит даврига оиддир. Бу борада археолог олимлар А.Окладников, Ў.Исломов, М.Қосимов, Т.Хўжаевларнинг хизматлари каттадир. Ў.Исломов 1980 йилдан бошлаб янги кашфиётлар қилди. Селунгур ғорида яшаган аждодларимиз тош даврининг юқори (палеолит) босқичида эмас, балки ашель даврининг биринчи босқичида яшаганликларини исботлади. Ў.Исломов ўзи очган кашфиётига суяниб, Селунғур ғорида яшаган аждодларимизнинг ёши яқин бир миллион йилдан зиёдроқ деган хулосага келади. Бу ғордан топилган одамнинг қолдиқлари

Фарғона водийси ҳудудидан топилганлиги сабабли шартли суратда Ферганатроп”, яъни “**Фарғона одами**” номи билан фанга киритилди.

Ўрта тош даврига келиб ибтидоий кишилар Марказий Осиёнинг бутун майдониغا кенг тарқалди. Уларнинг турмушда янги кўринишлари пайдо бўла бошлади. Энг муҳими, ибтидоий тўдадан уруғчилик жамоасига ўтила бошланди. Ҳозирги замон одамларига ўхшаш одамлар (кроманьон) вужудга келиши учун замин ҳозирланди. Бу давр ишлаб чиқариш қуроллари такомиллашаётган, нутқ маданияти ўсиб бориб, фикрлаш анча ошган, олов сунъий тарзда яратила бошланган, овчилик анча ривожланиб, кенг ҳудудларга тарқалган давр эди. Совуқ иқлим туфайли палеолит одамлари оловни кашф этдилар. Сунъий олов чиқариш ва уни сақлашни ўзлаштирдилар. Ўчоқ - ибтидоий одамларнинг бир ерга тўпланишларида

катта аҳамиятга эга бўлиб, бу даврнинг ибтидоий кишилари ғорлар ва унгурларда ўзларига мақонлар танлай бошладилар.

Сўнгги палеолитдан бошлаб ибтидоий одамлар ғорлардан чиқиб, енгил турар жойлар қура бошлаганлар. Натижада улар фақат тоғли ҳудудларда яшаб қолмай, воҳалар бўйлаб тарқалиб, текисликлардан дарё ва кўллар соҳилларига келиб жойлаша бошладилар.

Сўнгги палеолитнинг энг катта ютуғи антропогенез жараёнининг туғалланиши ва ҳозирги замон одамларнинг (кроманьон) пайдо бўлишидир. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ибтидоий тўдадан уруғчилик тузумига (матриархат) ўтилишидир. Уруғчилик ибтидоий жамият тарихининг алоҳида босқичини ташқил этиб, бу ижтимоий ҳаётдаги қатор ўзгаришларнинг пайдо бўлишига замин яратиб берди. Шундай қилиб, палеолит даврида одамнинг пайдо бўлиши жараёни асосан тугади. Ибтидоий одамлар хўжалик юритишнинг энг оддий йўлларида мураккаброқ йўлларига ўтдилар. Олов кашф этилди. Инсоният ибтидоий тўда давридан уруғчилик тузумига ўтди. Меҳнат қуроллари такомиллашиб, турлари кўпая борди. Ибтидоий одамлар орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди. Марказий Осиёда ўрта тош – мезолит даври нисбий тарзда мил.авв. 12 7 минг йилликларни ўз ичига олди. Бу даврга келиб, иқлим барқарорлашади, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ўзгаради. Бу даврнинг катта ютуқларидан бири камон ва ўқнинг кашф этилишидир.

Неолит узоқ давом этган тош асрнинг сўнгги ва якунловчи босқичи бўлиб, географик муҳит ва шарт-шароитнинг турли-туманлиги неолит даври қабилаларида меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари, турар жойлар ва хўжаликларнинг турлича бўлишига олиб келди. Бу давр қабилалари Марказий Осиё ҳудудида хўжаликнинг деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик шакллари ривожлантириб юборди. Неолит даври кишиларининг энг катта ютуқларидан бири кулолчилик бўлиб, улар лойдан ҳар хил идишлар ясаш ва уларни оловда пиширишни ўрганиб олдиларки, бу ўша давр учун ниҳоятда катта кашфиёт эди. Шунингдек, тўқимачилик, дастлабки сувда сузиш- қайиқсозлик ҳам пайдо бўлди.

Бу даврда Марказий Осиёда хўжаликнинг бошқа ҳамма турларига қараганда ерни ҳайдаб деҳқончилик қилишнинг устунлик қилиши; Тошдан ишланган қуроллар кўп бўлган ҳолда мис қуролларнинг пайдо бўлиши; Ибтидоий жамоаларининг пахсадан ва ҳом ғишдан тикланган катта- катта уйлари; Кулолчиликда муҳим техника ютуғи- -

хумдонларнинг ишлатилиши; Ўтроқлик ва қурилишда ҳом ғиштнинг пайдо бўлиши; Турли ҳайвонларнинг лойдан ясалган ва она уруғи тузуми (матриархат)га хос ҳайкалчаларнинг пайдо бўлиши. Рангдор сопол буюмлар, яъни турли тасвирлар ишланган сопол буюмларнинг мавжудлиги ҳарактерлидир.

Марказий Осиё аҳолисининг маданияти бир босқич юқорига кўтарилди. Лекин, бу ердаги қабилаларнинг маданий ва ижтимоий тараққиёти бир хил даражада эмас эди. Археологик тадқиқотлар натижалари Марказий Осиё аҳолиси орасида нотекис ривожланиш бўлганлигини кўрсатади. Умумдор хўжаликларга асосланган қабилалар тезроқ ривожланган, қўшимча хўжаликлар билан машғул бўлганлари эса маданий жиҳатдан бир неча юз йилликлар орқада қолган. Металчиликнинг кашф этилиши ва хўжаликда мис қуролларнинг жорий қилиниши бир неча аср давомида содир бўлган. Одамлар ўз меҳнат қуролларини ясаши учун ҳар хил мустаҳкам тошлар қидириш жараёнида табиий мисга дуч келдилар. Бу эса меҳнат қуролларини янада такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, илк ривожланган мис-тош даврида Марказий Осиё қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида катта фарқлар ва нотекисликлар сақланади. Олиб борилган археологик қазишмалар натижасида турар жойлар, қадимги суғориш тармоқлари ва суғориладиган ерларнинг чегаралари аниқланди, мис-тош даври маданияти ва тарихи ҳар томонлама ўрганилди. Энг қадимги суғориш тармоқлари шундай шароитга эга бўлган сойлар этакларида вужудга келганлиги исбот қилинди. Тоғ дарёлари бўйларида яшовчи қабилалар қадимги суғорма деҳқончиликда арпа, буғдой, беда, полиз ва бошқа экинлар экиб асосан, сойлар сувларидан фойдаланганлар. Бу даврга мансуб маданият излари Хоразм, Зарафшон, Қашқадарё ва Фарғона водийларидан топилган. Бу ҳудудлардаги манзилгоҳларни ўрганиб шундай хулоса чиқариш мумкинки, бу даврда икки хил маданият ҳукм сурган. Биринчиси, деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилалар маданияти (қадимги қабилалар деҳқончилик қилиш учун қулай ерларга жойлашиб олиб, юксак деҳқончилик маданияти яратганлар), иккинчиси, худди биринчи маданият соҳиблари даражасида ишлаб чиқарувчи кучларга эга бўлган ҳолда қурғоқчилик ерларда, тоғ олди яйловларида чорвачилик билан шуғулланганлар.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистан миллий энциклопедияси. 9 - жилд. - Т.: УМЭ, 2005. -Б. 127; 366; 429; 490.
 2. R Nosirov, G Mamajanova. International Ratings and Index Indicators of the Republic of Uzbekistan// European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 2022
 3. РА Носиров, МИ Рахимова, СВ Темирова. Жамиятда ижтимоий онгнинг ўзгариши-ижтимоий муносабатлар тахлили. // - инновации в педагогике и психологии, 2022.
 4. N.R Nosirov. The strategic value of education for the development of science and training of promising personnel potential, 2022
- R.A Nosirov . Educational Problems in the History of Central Asia// Innovative technologica: methodical research journal, 2021